

Шоядки, такводор бўлсаларингиз

Йигирма тўртинчи қисм

«Содик (сўз)ни келтирган ва уни тасдиқ қилган эса ана ўшалар такводорлардир». (*Зумар сураси, 33-оят*)

Яъни Аллохнинг содик сўзини бандаларга етказган ва ўша содик сўзни тасдиқлаганлар такводорлардир. Куръони Каримни келтирган Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам ҳамда бошқа барча Пайгамбар алайхиссаломлар ва барча мўмин бандалар шу сирага қирадилар. Улар Аллох таолога такво этган, Унинг айтганини қилган, қайтарганидан қайтган бандалардир.

«Ёки: «Агар Аллох мени хидоят қилганида, албатта, такводорлардан бўлар эдим», демасидан олдин...» (*Зумар сураси, 57-оят*)

«Аллох такво қилганларга ютуқлари туфайли нажот берур. Уларга ёмонлик етмас ва улар хафа ҳам бўлмаслар». (*Зумар сураси, 61-оят*)

Киёмат кунда Аллох таоло бу дунёдан такво билан ўтган бандаларига иймон ва Ислому йўлидаги ютуқлари туфайли нажот беради. Турли ноқулайликлардан саклайди.

У кунда:

«Уларга ёмонлик етмас...»

Факат яхшилик, муқофот ва хурсандчиликлар етар.

«...ва улар хафа ҳам бўлмаслар».

Шоядки такводор бўлсаларингиз (Йигирма тўртинчи қисм)

Муаллиф:

03.08.2013 18:21 - Янгиланди 30.06.2017 23:18

«Ва Роббиларига такво қилганлар жаннатга гурух-гурух қилиб олиб борилдилар. Токи унга етиб келган чоғларида, унинг эшиклари очилди ва унинг кўрикчилари уларга: «Сизга саломлар бўлсин! Хуш келдингиз! Бас, унга абадий қолғувчи бўлган холингизда қиринг», дедилар». *(Зумар сураси, 73-оят)*

«Иймон келтирганларга ва такво қилиб юрганларга нажот бердик». *(Фуссилат сураси, 18-оят)*

Солиҳ алайҳиссаломни ва у кишига иймон келтирганларни мазкур хорлик азобидан нажот бериб, қутқариб қолдик.

Меҳрибон Зот, «Агар Аллоҳ мени хидоят қилганида, албатта, такводорлардан бўлар эдим», демасимиздан олдин содиқ сўзни тасдиқ қилдик, бизларга нажот бергин.

Бизларга ёмонлик етмасин, ҳафа ҳам бўлмайлик.

Ё Робб, Қиёмат куни жаннатингга гурух-гурух бўлиб борайлик, унинг эшиклари очилиб, кўрикчилари бизларга: «Сизга саломлар бўлсин! Хуш келдингиз! Бас, унга абадий қолғувчи бўлган холингизда қиринг», десинлар.